O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 24 февраль, № 38 (3837) Жума

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муҳим аҳамиятга молик бўлган қатор масалалар ва қонунлар муҳокама қилинади.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Кеча эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг ўтган даврда парламентнинг юқори палатаси бешинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар ва маълумот учун қабул қилдилар.

Парламент юқори палатасининг 2005 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда унинг Кенгаши, қўмита ва комиссиялари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қўмиталар раислари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунлар бўйича хулосалар, бешинчи ялпи мажлисда кўриб чиқиш кўзда тутилган бошқа ҳужжатларнинг тайёрлиги ҳақида ҳисобот бердилар, ялпи мажлиснинг ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Янги қўшилган қонунчилик ҳужжатларини инобатга олган ҳолда Сенатнинг бешинчи ялпи мажлиси кун тартиби ишлаб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатаси Кенгаши ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

***

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни муҳокама қилинди. Мазкур қонун муҳокамаси якунларига биноан, тегишли хулоса қабул қилинди. Қўмита аъзолари бу қонунни бешинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун Олий Мажлис Сенати Кенгаши кўриб чиқишига тақдим этдилар.

Шу куни Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Қўмиталар йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти якунлари ва унинг Кенгаши, қўмита ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кучайтириш чоралари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, қўмиталар ва уларнинг аъзоларининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил этилиб, Сенатнинг мазкур қўмиталари томонидан 2006 йилда амалга оширилади тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Сенаторлар бешинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмиталар тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати матбуот хизмати.

«АЁЛ ВА СПОРТ»

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси ҳузуридаги «Аёллар ва спорт» комиссияси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган республика семинари ана шу мавзуга бағишланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари, бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар асосида оила ва жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида спортга эътибор кучайди. Бугунги кунда хотин-қизлар ташкилотлари оилавий, болалар ва аёллар спортини ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб боряпти. Спорт секциялари кўпаймоқда. Спортчи оилалар сони сўнгги икки йил ичида 293 минг 291 тага етди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ҳамда "Аёллар ва спорт" комиссияси билан ҳамкорликда кўплаб мусобақалар ўтказилмоқда. Хотин-қизлар спартакиадалари, "Тўмарис" қизлар фестивали, "Энг спортчи оила" мусобақалари, ногирон болалар ўртасидаги махсус олимпиадалар тобора оммалашмоқда.

Семинар қатнашчилари айни пайтда бу борада муаммолар ҳам кўплигини таъкидладилар. Хусусан, ҳамма жойда ҳам спортга муносабат бир хил эмас. Масалан, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида хотин-қизларни сузиш, синхрон сузиш, енгил атлетика, қўл тўпи, стол тенниси, теннис секцияларига жалб этиш даражаси паст. Ҳатто Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам спортнинг айрим турлари бўйича кўрсаткичлар талаб даражасида эмас.

Республика анжумани қатнашчилари хотин-қизлар ўртасида спортни оммавийлаштириш учун яхлит тизим яратиш лозим, деган хулосага келдилар. Бухорода бу борада муайян тажриба шакллангани қайд этилди.

Ушбу вилоятда спортнинг 37 тури бўйича федерациялар ташкил этилган бўлиб, улар болаларни, жумладан, қизларни ташкилий асосда спортга жалб этишда бошқош бўлмоқда. Стадион ва мажмуаларда ихтисослашган секциялар фаолият кўрсатмоқда. Спорт иншоотларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўриляпти. Ўтган йили шу мақсадда 275,4 миллион сўм маблағ сарфланди. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида эса хотин-қизлар учун 17 хилдаги мавсумий спорт кийимлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Спортнинг оммавийлигини таъминлашда оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётир. Бугунги кунда 6-17 ёшли қизларнинг 37,9 фоизи, талаба ёшларнинг эса 42 фоизи жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланяпти.

Вилоятда бадиий гимнастикага ҳам қизиқиш катта. Қишлоқ жойларида шу турга мўлжалланган замонавий марказлар ишлаяпти, янгилари қуриляпти. Ҳозирги пайтда бадиий гимнастика билан шуғулланаётганларнинг 65 фоизини қишлоқ қизлари ташкил қилмоқда.

Анжуманда хотин-қизларни спортга жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар ечими ҳақида ўзаро фикр алмашилди. Илғор тажрибаларни оммалаштириш, соғломлаштириш гуруҳларини кўпроқ ташкил этиш, мураббийлар, айниқса, аёл тренерлар тайёрлаш, бу борадаги кадрлар тақчиллигини ҳал қилиш мақсадида жисмоний тарбияга алоқадор мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ёшлар ўртасида компьютер-интеллектуал спорт ўйинларини тарғиб қилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Семинар иштирокчилари Бухоро шаҳридаги "Ҳумо", "Нафис", "Ситора", "Семург", "Ёшлик" спорт мажмуалари, Пешку ва Ромитан туманларидаги қишлоқ бадиий гимнастика марказлари иш фаолияти билан танишиб, Вобкент туманидаги замонавий гимнастика марказининг очилиш маросимида қатнашдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Эркин ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.

ИЛМИЙ - АМАЛИЙ СЕМИНАР

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда Ўзбекистон-Россия муносабатларининг янги имкониятлари муҳокама қилинди.

— Институтимиз мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорликда иқтисодиётнинг турли соҳалари учун ёш мутахассислар тайёрламоқда, — дейди институт ректори Абдураҳим Ҳожиев. — Россиянинг бир қатор олий ўқув юртлари билан ҳам алоқалар ўрнатилган. Мамлакатимиз Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилгандан сўнг бундай ҳамкорлик янада кенгаяди. Шу боис тажриба алмашиш, қўшма илмий лойиҳаларда қатнашиш, россиялик олимлар иштирокида конференциялар ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Ҳозирда эса шу мақсадда институтимиз Москва, Санкт-Петербург, Иваново, Кострома ва Саратовдаги илмий муассаса ва олий ўқув юртлари билан музокаралар олиб бормоқда.

Илҳом РАЗЗОҚОВ, ЎзА мухбири.

Ҳамма нарса фермерлар учун

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида қишлоқ мулкдорлари — фермерлар билан мулоқот ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари М. Ерниязов бошқарган бу машваратда шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, солиқ ва молия муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Мулоқотда қатнашган фермерлар ушбу ҳаракатни янада ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

***

Хоразм вилоятида 18 та ширкатни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича бошланган ишлар ниҳоясига етай, деб қолди. Танловларда ғолиб чиққан фермерлар эндиликда янгича иш юритишни ўрганишлари, ўзларига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатишлари, ҳуқуқий билимларни эгаллашлари, мукаммал шартномалар тузиб, баҳорги дала ишларига киришишлари лозим.

Вилоятнинг барча туманларида ҳозир шу йўналишда тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Фермерларга техник, кимёвий ва бошқа турдаги хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот, бирлашмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, банк-молия муассасалари раҳбарлари иштирокида эса учрашувлар ўтказилмоқда.

Хонқа, Шовот, Янгиариқ туманларида ана шундай мулоқотлар бўлиб ўтди. Уларда фермерлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Тадбирларда вилоят ҳокими И. Бобожонов иштирок этди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замин экин экишга тайёр!

Сурхондарёлик деҳқонлар жорий йилдан бошлаб ғалла ва пахтага ажратилган ҳар гектар суғориладиган ерга ўртача беш тоннадан маҳаллий ўғит солишни режалаштирдилар.

Аслида бўлғуси ҳосил тақдири учун нафақат деҳқон, балки у етиштириб берган маҳсулотни қайта ишловчилар ҳам масъул. Ҳозирда хомашёни қабул қилиб олувчи корхоналар раҳбарларининг далада ўғит тўплашга бош қўшаётганининг боиси шунда. Шу кунгача эса экин майдонларига бир миллион тоннага яқин ўғит чиқарилди.

Айни пайтда уруғлик учун фақат тўқ ва бут чигитни саралаб тайёрлашга эътибор қаратилмоқда. «Хайробод пахта» ҳиссадорлик жамиятида илғор технологиялар билан жиҳозланган уруғ саралаш цехи қурилган бўлса, Қумқўрғондаги «Олтин чигит» қўшма корхонаси бу йил ҳар қачонгидан кўп уруғлик чигитни туксизлантириб бермоқчи. Чигит плёнка остига экиладиган жойларда эса техника воситаларини синовдан ўтказиш тадбирлари бошлаб юборилди.

— Пахтага ажратилган 123 минг гектар майдон баҳорги экиш мавсумига деярли тайёр, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Бойниёз Жўраев. — Энг муҳими, жорий йилда ғалла ва пахтага ажратилган ерларнинг 80 фоизига бугун фермерлар эгалик қилишяпти. Уларнинг шашти эса баланд.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Демократия ҳақида гурунг

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Демократия: уни Шарқда ва Ғарбда қандай тушунадилар?» мавзуида «Давра суҳбати» бўлиб ўтди. Мазкур марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир «Фуқаролик форуми» доирасида амалга оширилди.

«Давра суҳбати»да инсоният тараққиётининг турли босқичларида демократиянинг турли шакллари мавжуд бўлиши таъкидланди. Шу билан бирга, демократик тамойилларни Шарқ менталитети, хусусан, мамлакатимизнинг анъаналари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари, олимлар, ҳуқуқшунослар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган анжуманда «Шарқ ва Ғарбда демократиянинг манбалари: тарихий жиҳатлари», «Ўзбекистонда демократик институтларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари» ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

Салим ДОНИЁРОВ.

Ун — камқонликнинг олдини олади

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жиззахда ўтказилган кўргазмали семинар «Камқонлик касаллигининг келиб чиқиши ва унинг олдини олишда бойитилган уннинг самараси» мавзуига бағишланди.

Семинарга вилоят, шаҳар, туман шифохоналарининг бош врачлари ўринбосарлари, педиатор, терапевт, акушер-гинеколог врачлар, халқ таълими ходимлари, ҚВП мудирлари таклиф этилди.

Маълумки, жаҳондаги 189 мамлакатнинг 48 тасида бойитилган ун ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон — ана шу мамлакатларнинг бири. Жиззахдаги 8-дон маҳсулотлари комбинати 2003 йилдан буён 1-навли буғдойдан камқонликнинг олдини олувчи — темир моддаси билан бойитилган ун ишлаб чиқармоқда. Шу йилнинг бошидан «Дўстликдон»да ҳам бойитилган ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тадбир сўнггида унинг қатнашчиларига бойитилган унни тарғиб этиш учун чиқарилган китобча, плакат ва махсус календарлар тарқатилди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Қарши: кеча, бугун, эртага»



Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

«Қарши: кеча, бугун, эртага» деб номланган бу мулоқотда вилоят халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари иштирок этди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган турли фан ўқитувчилари қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг тарихи, ҳозирги тараққиёти ва истиқболи ҳақида қизиқарли маълумотлар олдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, жамғарма вилоят бўлимининг раҳбари Шарофат Ашурова, ёзувчи Эштемир Норбоев, шоир Баҳром Маҳмудов ва бошқа ижодкорларнинг қадимий шаҳар ҳақидаги бадиа, шеър ва достонлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗАХИРА САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Орол денгизи ҳавзасининг Ўзбекистон қисми захира салоҳиятининг тақдимоти ўтказилди. Унда юртимиз ҳамда хорижий нефть ва газ компаниялари вакиллари иштирок этди.

Тадбир "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Кореа Нэшнл ойл корпорейшн" (Корея Республикаси), "ЛУКОЙЛ Оверсиз" (Россия), "Пэтронас Каригали" (Малайзия) ва "Си-Эн-Пи-Си Интернешнл" (Хитой) компанияларидан иборат Сармоядорлар консорциуми томонидан ташкил этилди. Орол денгизи ҳавзаси ўзининг бой табиий захиралари билан узоқ йиллардан буён геологлар эътиборини жалб этиб келади. 2005 йил 8 сентябрда Тошкент шаҳрида ушбу ҳудудни тадқиқ этиш мақсадида Сармоядорлар консорциумига асос солинган эди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири А.Шайхов бошқарган мазкур тадбирда ёнилғи ва энергетика саноати соҳасидаги ҳамкорлик барча мамлакатлар иқтисодий тараққиётида улкан аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йил 10 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида углеводород хомашё захиралари илдам ўсишини таъминлашга йўналтирилган геология-разведка ишларини жадал ва кўламли ўтказиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Тақдимотда мазкур ҳудуднинг захира имкониятларига мутахассислар томонидан берилган геологик-техник баҳо ва маҳсулот тақсимоти тўғрисида Сармоядорлар консорциуми ишлаб чиққан битим лойиҳаси иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Томонлар ҳамкорлик истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Бағдод туманининг асосий ер майдонлари тўлиқ фермерлар ихтиёрига берилгани боис 2005 йилда қишлоқ хўжалигида дурустгина муваффақиятлар қўлга киритилди. Биргина пахтачиликда тўққиз йиллик қолоқлик барҳам топганининг ўзиёқ сўзимизга яққол далил бўла олади.

Ер соҳиблари эришилган ана шу ютуқлардан руҳланиб, жорий йил мавсуми учун ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. "Болтабоев" фермер хўжалиги жамоаси, масалан, 60 гектардан ортиқроқ майдондаги ғалла парваришига ҳам, ҳадемай чигит қадаладиган қарийб 14 гектар ернинг шўрини ювиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратаётир. Фермер хўжалиги етакчиси Тўхтасин Рўзиевнинг таъкидлашича, улар бу йил ҳар гектар майдондан 80 центнердан сара дон, 40 центнердан "оқ олтин" олишга аҳд қилганлар.

СУРАТДА: хўжалик аъзоси Умарали Ҳошимов ерларни яхоб сувига қондирмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Маебаши ва Марғилон ҳамкорлиги

Японияннинг Маебаши шаҳрида Марказий Осиё халқлари тарихи кўргазмаси доирасида Марғилон шаҳри маданий мероси тақдимоти бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Японияда элчихонаси ва Гунма префектурасидаги Евроосиё марказий клуби томонидан ташкил этилди.

Маълумки, келгуси йилда дунё фани ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг миқёсда нишонланади. Айниқса, буюк олимлар Аҳмад ал-Фарғоний ва Бурҳониддин ал-Марғинонийлар номи шаҳарга катта шуҳрат келтирган.

Тақдимот маросимида Марғилоннинг машҳур атлас ва адраси, турли сополидишлари ва бошқа халқ амалий ҳунармандчилик санъати асарлари намуналари кенг намойиш этилди.

Тадбирда сўзга чиққан «Yamato C&A systems» компанияси президенти Д.Кавахара халқларимизни кўп муштарак жиҳатлар боғлаб тургани, Марғилон ва Маебаши нафақат катта тарихий меросга, балки кўплаб таниқли халқ ҳунармандчилик марказларига ҳам эгалигини таъкидлади. Бу эса икки шаҳар аҳолиси ўртасида муваффаққиятли ҳамкорлик ўрнатишга умид бағишлайди, дея қайд этди компания президенти.

Акмал ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Токио.

МАДАНИЯТ
янгиликлари

Зукколар сараланди

Самарқанддаги вилоят Ёшлар марказида республикамиз олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Танловда Жиззах давлат педагогика институтининг "Жиззахлик жиянлар", Термиз давлат университетининг "Табассум", Самарқанд давлат университетининг "Илҳом" жамоалари ўзларининг ғоят билимдон ва зукко эканликларини намоён этдилар. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, "Илҳом" бош совринга лойиқ деб топилди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ушбу тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика "Маънавият ва маърифат" маркази, шунингдек, Самарқанд шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан ташкил этилди.

«Ёшлик баҳори»

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида "Ёшлик баҳори" деб номланган эстрада хонандалари ва эстрада санъати ижодкорларининг вилоят танлови бўлиб ўтди.

Унда 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этишди. Ватан, ёр ва диёр, табиат гўзаллигини тараннум этувчи куй-қўшиқлар авжига чиқди. Ижрочилик маҳорати учун бухоролик Ойбек Нуруллаев ва санъат коллежи ўқувчиси Шаҳноза Раҳмонова танлов ғолиби деб топилди. Марат Қурбонов, Феруза Асадова, Фарҳод Норов ва Дилфуза Ҳожиевалар эса танловнинг совринли ўринлари соҳиблари бўлишди.

Ғолибларга катта саҳна

Навоий шаҳар санъат коллежи концертлар залида вилоятдаги фольклор жамоаларининг "Наврўз-2006" деб номланган катта фестивали бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад энг яхши жамоаларни аниқлаш ва улар ижросидаги куй-қўшиқларни ҳар йили ўтадиган миллий байрам дастурига киритишдан иборат эди.Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Томди тумани жамоаси "Миллий урф-одатнинг энг яхши талқини", Навоий шаҳри жамоаси "Ёш иқтидорлар жалб қилинганлиги", учқудуқликлар "Ажойиб вокаль ва рақс ижроси" номинацияларида бўйича етакчи ўринга сазовор бўлдилар. Ғолиблар тадбир ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Хабарларни М. ХОЛМАТОВА ва М. КАРИМОВА тайёрлашди.

Наманган вилоятида бу йил 73 та зарар кўриб ишлаётган ширкат негизида саккиз мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. Натижада ернинг чинакам эгалари бўлган заминдорлар сони 14000 дан ортди. Улар бу йил вилоят пахта ва ғалласининг 80 фоизини етказиб бериши керак.

Ўқув машғулотлари

Айни кунларда тендер танловлари ғолиби бўлган фермерлар ташкилий жараённи бошдан кечиришяпти. Бундай палларда фаолият юритиш билан боғлиқ қатор саволлар туғилиши турган гап. Хўш, янги қишлоқ мулкдорлари ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишадими? Уларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, қайта ишлаш корхоналари билан шартномавий муносабатлари қай тарзда ўрнатилади?

Шу сингари кўплаб саволларга жавоб топиш, фермерлар назарий билимини мустаҳкамлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоятда фермер хўжаликлари раҳбарлари учун дастур асосида ўқув машғулотлари ташкил этилди. Ўқув туманлардаги аграр йўналишдаги касб-ҳунар коллежларида олиб бориляпти. Дастлаб Янгиқўрғон туманидаги Исковот коллежида малака оширган 250 фермер зарур билимларни эгаллаганлиги ҳақида сертификат эгаси бўлди. Улар мулқот тарзида уюштирилган машғулотларда вилоят ва туман ҳокимлиги, суд, адлия, прокуратура идоралари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар раҳбар ҳамда мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Жойлардаги ўқув машғулотлари ниҳоясида уларнинг иштирокчиларига «Фермер нималарни билиши лозим?» номли китобча тақдим этилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала

Карвондан ортда қолманг

Бугун кўҳна ва навқирон Бухоро кун сайин гўзал қиёфа касб этиб бормоқда. Кенг ва равон йўллар, коллеж ва лицейларнинг замонавий услубдаги бинолари шаҳарни тубдан ўзгартириб юборган. Унга тикилиб туриб, баҳри-дилингиз очилади.

Таниш-билишлар билан гурунг авжида суҳбат мавзуси баъзан матбуотга ҳам бориб тақалади. Олотлик бир танишимиз камина ишлайдиган "Халқ сўзи" газетаси билан боғлиқ воқеани айтиб берганда барча қизиқиб қолди.

Воқеа, қишлоқча қилиб айтганда, жуда одми. Олот туманидаги Човдур қишлоғилик, суяги деҳқончиликда қотган Жўрақул Оташев ҳудудий комиссияга фермерлик қилишни ният қилиб, ер ажратиб беришларини сўраб мурожаат қилади. Бироқ бутун вужуди билан фермерликка ишқибоз бўлган Жўрақул ака танловда ютқазади.

Фермерликка даъвогар таҳририятимизга ёзган шикоят хатида эса ўз дардини баён этади...

Таҳририятга келаётган худди шундай мактублар асосида "Халқ сўзи" газетасининг 19 январь сонида "Ер тақдири — эл тақдири" сарлавҳали мақола эълон қилинади. "Эҳтимол, — дейилади мақолада, — ушбу мактуб муаллифи тегишли талабларга жавоб бермаганлиги учун ютқазгандир? Борди-ю, шундай бўлса, буни комиссия ишонтириб бериши керак эмасми?"

Шундан кейин Жўрақул Оташевдан яна бир хат олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Туманимизда янги ташкил этилган фермер хўжаликлари соҳиблари билан семинар-тренинг бўлиб ўтди. Шу тренингда газетада чиққан мақолани вилоят ҳокимининг шахсан ўзи йиғилганларга ўқиб эшиттирди. Тугатилган ширкат хўжаликлари ўрнида бўлиб ўтган танловларда йўл қўйилган камчиликлар жойида ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди. Газета аралашуви билан ҳақиқат қарор топгани мени ва бутун оиламни бениҳоя қувонтирди. Шу боис қишлоқдошларим ҳазиллашиб мени "Халқ сўзи"нинг фермери, дейишмоқда.

Ҳозир фермер сифатида баҳорги экин-тикин мавсумига қизғин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Насиб қилса, фаолиятимизнинг илк йилидаёқ бизга билдирилган ишончни оқлаймиз."

Ҳа, ишончни оқлаш масъулияти ҳар бир фермер зиммасида турибди. Ирмоқдан дарёлар ҳосил бўлгани каби, мамлакатимиз аҳолисининг ризқу рўзи, Ўзбекистон қудрати мингминглаб фермер хўжаликлари яратадиган ҳосил карвонларидан вужудга келади. Бу карвонда ким имилласа, лоқайд турса, нафақат виждонига, балки халқига ҳам хиёнат қилган бўлади.

Ҳамиша юзингиз ёруғ бўлсин, фермерлар!

Баҳодир ФАЙЗИЕВ.

Эътирозга эътибор

ХОМТАЛАШ

«Халқ сўзи»да «Хомталаш» (2005 йил 23 декабрь) мақоласи эълон қилинганидан сўнг роса бир ой ўтгач — 23 январда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси М.АСҚАРОВдан таҳририятга эътироз хати келди. Унда, жумладан, мухбир аҳволни жойига бориб яхши ўрганмагани учун жиддий хатоларга йўл қўйгани даъво қилингани боис, таҳририят топшириғи асосида муаллиф ва яна бир мухбир Ботиржон ҒОФУРОВ жойига бориб, мавжуд ҳолатни қўшимча ўрганиб келишди. Қуйида эътироз хатини бандма-банд тўлиқ келтириб, унга жавобни ҳам эълон қилаяпмиз.

Фатво топиш

Эътироз: *«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 23 декабрь 250-сонида журналист Ҳабибулла Олимжонов муаллифлигида чоп этилган «Хомталаш» номли мақола Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Андижон вилояти хокимиятининг малакали мутахассислари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди ва ушбу масала бўйича ҳақиқий аҳволни ойдинлаштириш юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.*

Давлатимиз рахбарининг шахсан ташаббуслари билан паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхона ва паст ликвидли объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга ноль қийматида сотиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августда 368-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор билан тегишли Низом ҳам тасдиқланган.

Мазкур Низомга асосан, инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан танлов асосида бепул бериладиган объектлар рўйхати Давлат мулки қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан йилнинг ҳар чорагида тақдим этиладиган тегишли асослашлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 362-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган Давлат тендер комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Ҳудудий танлов комиссиялари (вилоят ҳокимлари) томонидан эса, бепул берилиши белгиланган корхона ва объектларнинг танлов шартлари келиши учун Давлат тендер комиссиясига тақдим этилади. Тақдим этилган ҳужжатлар тўплами Давлат тендер комиссиясининг аъзолари (Иқтисодиёт комплексидаги вазирлик ва қўмиталар ҳамда Бош прокуратура) билан келишилган ҳолда, комиссия раиси (Бош вазир ўринбосари) томонидан тасдиқланади.

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга ноль қийматида сотиш бўйича қарорида эзгу мақсад кўзда тутилган. Яъни, бу ҳужжатда ҳеч нарсага қурби етмай қолган, тугаб бораётган давлат корхоналари ва объектларини инвесторларга бепул — насияга бериб, «Белгиланган муайян даврда унга сармоя сарфлаб қаддини тиклагин, ишни юргизиб юборгин ва пировардида ўзинг ҳам, давлату эл-юрт ҳам манфаатдор бўлсин», деган яхши ният мужассам, деб ўйлаймиз. Ва ушбу қарорнинг иловасида эса жойлардаги тегишли давлат органлари тавсияси асосида тузилган ана шундай корхона ва объектлар рўйхати эълон қилинган.

Эътироз хати ёзиш учун турли ҳужжатларни гўёки «асос» қилиб, фатво топиш шунчалик осонми? Мақола ҳукумат қарори ҳақида эмас, балки унинг иловасига Андижон вилоятидаги 5 та қурилиш ташкилоти Давлат мулки қўмитасининг вилоят бошқармаси ва бошқа масъул идораларнинг асоссиз ҳужжат-тақдимномалари асосида кириб қолгани ва бу қурилиш ташкилотларини инвесторларга топшириш бўйича тендер нохолис ўтказилгани ҳақидадир.

Эътироз: *Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан ҳудудий танлов комиссиялари томонидан танлов савдолари ўтказилади ва энг жозибали танлов таклифини тақдим этган ва уни амалга ошириш учун реал молиявий имкониятларга эга бўлган қатнашчи танлов ғолиби деб топилади.*

Журналист томонидан ҳолат батафсил ўрганилмаганлиги туфайли, мақолада баён этилган ҳолатлар бўйича жиддий эътиризимизни билдирамиз.

Биринчидан, *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 209-сонли қарорига асосан, Андижон вилояти бўйича жами 28 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор* ***давлат корхонаси*** *(таъкид бизники — таҳр.) ва паст ликвидли объектларни, шу жумладан, собиқ «Ўзжамоақурилиш» уюшмаси тизимида бўлган 5 та қурилиш корхоналари («Олтинкўл 101-ХКМС», «Марҳамат 112-ХКМС», «Шаҳрихон 125-ХКМС», «Избоскан 119-ХКМС» ва «Бўз 118-ХКМС») инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши белгиланган.*

Жавоб: Инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши белгиланган 5 та ХКМСнинг бирортаси «давлат корхонаси» эмас.

Эътироз: ***Иккинчидан,*** *мазкур корхоналарнинг паст рентабеллиги, зарар кўриб ишлаётганлиги ҳамда иқтисодий ночор корхоналар қаторидан жой олганлиги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 апрелда 1469-сон билан рўйхатга олинган «Корхоналарни молиявий-иқтисодий аҳволининг мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан аниқланган.*

Шу сабабли, журналистнинг «...фаол ишлаб турган бир неча қурилиш ташкилотига сунъий равишда «иқтисодий ночор» мақоми берилган» деб таъкидлаши мазкур корхоналардаги ҳақиқий ҳолатни жойига чиқиб ўрганмаганлиги ҳамда иқтисодчи мутахассислар хулосасига таянмаганлигини кўрсатади.

Аслида, ҳудудий танлов комиссиясининг маълумотига кўра, авваллари 300-400 нафар ишчи ишлаган ташкилотда ҳозирда 15-20 та ишчи ишлаётгани, улар 6 ойлаб ойлик маош ололмаётгани, ходимларнинг корхона мулкини ташмачилик билан талон-торож қилаётгани, корхоналарнинг «Бўз туман ХКМС-118» МЧЖга ўхшаб банкрот бўлгани аниқланган. Аммо муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳолатга мақолада эътибор қаратилмаган.

Жавоб: Тендерга қўйилган ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам *паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор* эмас. Масалан, Марҳамат туман Давлат солиқ инспекцияси берган маълумотга кўра, «Марҳамат 112-ХКМС» 2003 йил 3 миллион сўмдан зиёд, 2004 йилда 2,5 миллион сўмдан зиёд соф фойда олган. Ўтган йили эса 240 миллион сўмдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажариб, 13,5 миллион сўм соф фойда кўрган. Избоскан туманидаги 119-ХКМСнинг иқтисодий кўрсаткичлари ундан ҳам юқори: 2005 йил 9 ойининг ўзида бажарилган ишлар 272 миллион сўм, соф фойда 10 миллион сўмдан зиёд. Ушбу маълумотлар айнан *масъул мутахассислар* томонидан тасдиқланган. Ишчилар сони камайгани бор гап, аммо 15-20 тага тушиб қолган эмас. 119-ХКМСда 50 нафар одам ишлайди, илиқ-иссиқ қурилиш мавсумида икки-уч бараварга кўпаяди, уларнинг ўртача иш ҳақи 80 минг сўм атрофида.

Бунинг устига, тендергача бу корхоналарнинг бирортаси ҳам суд томонидан банкрот деб топилмаган бўлса, уларнинг «иқтисодий ночорлиги» қандай қилиб «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга асосланади? «Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 апрелда рўйхатга олинган Низомга асосан иқтисодий ночорлиги аниқланган» деган даъво ҳам, юмшоқ айтганда, таажжубланарли: ахир тендер савдолари 2004 йилда ўтган-ку, у қандай қилиб 2005 йилдаги Низомга асосланади?

Қолаверса, бу қурилиш ташкилотлари жамоаларининг яратувчилик меҳнати элюртнинг кўз ўнгида турибди. Улар капитал таъмирлаётган, янгидан қураётган мактаблар, муҳташам коллежлар вилоят ҳуснига-ҳусн, кўркига-кўрк қўшмоқда. «Бинокор» уюшмаси таркибидаги қурилиш ташкилотлари томонидан барпо этилган Андижон туманидаги қасрмонанд Оқёр касб-ҳунар коллежи ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда. Улар яхши ишлаётган экан, Андижон вилоятидан ташқаридан ҳам буюртмалар тушмоқда. 119-МЧЖ ҳозир Тошкент вилоятида шунақа коллеж қуриш учун шартнома тузаяпти. Ҳолбуки, бу ташкилот ҳам «иқтисодий ночор» деб тендерга қўйилган эди... Мазкур корхоналарни «иқтисодий ночор, паст ликвидли» объектлар рўйхатига киритишда ДМҚ вилоят бошқармаси тақдим этган маълумотларни ташкилот раҳбарининг 1-ўринбосари М.Юнусов турли важлар билан мухбирга кўрсатишни хоҳламади.

«Бўз туман 118-ХКМС» ҳақида ажаб ҳангома бўлган. Уни 2004 йил октябрда тендерда ютиб олган инвестор 4 гектар ҳудуднинг этагидаги 1 гектарга сутни қайта ишлаш заводчаси қуриш учун туман ҳокимининг қарорини чиқариб олгач, 2005 йил 7 январда вилоят давлат мулки бошқармасига инвесторликдан воз кечганини билдириб, «Ишончнома»ни бекор қилишни сўраб хат ёзган(?!). Ташкилотни бепул олган инвестор И. Хожиевга, худди бошқа тендер ғолибларига ўхшаб, бу объект қурилиш ташкилоти сифатида керак бўлмаган кўринади. Мана, қурилиш ташкилотини оёққа қўйиш иштиёқида ёниб, тендерда уни ютган, 100 миллион сўм инвестиция киритадиган инвесторнинг аҳволи!..

Эътироз: ***Учинчидан,*** *Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари раҳбарлигидаги Давлат тендер комиссиясининг 2004 йил 1 июндаги ва 6 сентябрдаги мажлиси қарорларига асосан, мазкур объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш юзасидан танлов шартлари тасдиқланган ҳамда 2004 йилнинг 28 июнь ва 12 октябрь кунлари танлов савдолари ўтказилиши белгиланган (қарор ва баённомалар илова қилинади).*

Ушбу танлов савдоларида ишбилармон ва тадбиркорларнинг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида республика ва вилоят маҳаллий газеталарида реклама ва тарғибот ишлари олиб борилган (илова қилинади). Шунингдек, Давлат мулки қўмитаси ва унинг вилоят бошқармаси мутахассислари томонидан республика ва маҳаллий телеканалларда «давра сухбатлари» ташкил этилиб, тушунтириш ишлари олиб борилган.

Шу сабабли, мақола муаллифининг «тендер савдолари мулк эгаларидан деярли сир тутилди» деб ёзиши асоссиз.

Жавоб: Аниқланишича, тендерлар ўтказилишида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган махсус Низом қоидалари бузилган. Жумладан, Олтинкўл 101-ХКМС бўйича тендер 2004 йил 28 июнда ўтказилиши белгиланган ва бу ҳақдаги эълон 28 майда «Мулкдор» газетасида чоп этилган. Бироқ, қоидага кўра, тендер эълонлари 2 ой аввал маҳаллий ОАВда, 3 марта республика ОАВда берилиши керак. Бу эътирозга жавобан 2004 йил 12 октябрдаги тендер савдоларида бепул сотилган 4 та МЧЖлар бошлиқлари ва уюшма Кузатув кенгаши раиси имзолаган тушунтириш хатидан кўчирма келтириш билан кифояланамиз: «**Ўша куни бизлар эрталабдан то кеч 18 гача эшикнинг тагида бўлсак-да, ичкарида ташкилотларимизнинг савдоси бўлиб ўтганини билмадик. Эртаси куни билсак, МЧЖларимиз кеча инвесторларга сотилиб кетибди. Бизларни ўша куни мулкларнинг асл эгалари сифатида тендер савдоларига қўйишмади**».

Эътироз: ***Тўртинчидан,*** *мақолада бир неча марта «жамоа мулки», «...қурилиш ташкилотлари ўз эгаларию уз жамоасида қолдирилди» каби таъкидларнинг ишлатилиши муаллиф томонидан мулкий масалаларга тааллуқли ҳуқуқий асосларни яқиндан ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, ушбу ташкилотлар ўз пайтида вилоятдаги «колхозлар» улушлари хисобига ташкил этилган, аммо уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзгартирилиши жараёнида бу улушлар ҳақиқий эгаларига, яъни колхозчиларга қайтариб берилганлиги тўғрисида ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлган ҳужжатлар мавжуд эмас, ваҳоланки, корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакллари масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) ларга айлантирилганда, жамоа улуши ҳар бир жамоа аъзосининг шахсий маблағидан тўланиши зарур эди. Афсуски, журналист мазкур масаланинг энг муҳим жиҳати, яъни мулкнинг ҳақиқий эгаси ким эканлигига эътибор қаратмаган — МЧЖ билан жамоа мулкини фарқлай олмаган, корхоналар таъсис ҳужжатлари билан танишмаган, шунингдек, корхоналар мулкига дахлдор бўлмаган 6-7 мансабдор шахсларнинг жамоа мулкининг ўз шахсий мулкига айлантиришга уринаётганликларини англамаган.*

Жавоб: 2000 йил 12 июнда Андижон вилояти «Вилжамферлойиҳақурилиш» (собиқ «Облколхозстрой», ҳозирги «Бинокор» уюшмаси) бирлашмаси мулкининг эгаларини аниқлаш бўйича тузилган, Давлат мулки

Россияда савдо қилинг

Европада, хусусан, Россияда 2005-2006 йиллар қиш мавсуми кутилганидан анча қаттиқ келди. Натижада, экинлар анча-мунча зарар кўриб, мамлакатда нозне-ъматлар танқислиги юзага келиш хавфи пайдо бўлди. Иқтисодчиларнинг фикрича, мева-сабзавот ва дон маҳсулотлари етишмовчилиги инфляция суръатига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу масала юзасидан Россия Федерацияси президенти Владимир Путин баёнот берар экан, бу танқисликни Марказий Осиё мамлакатларидан мева-сабзавотлар импорт қилиш ҳисобига бартараф этиш ва бунинг учун минтақамиздан Россияга олиб бориладиган маҳсулотларга темир йўл харажатларини камайтириш ташаббуси билан чиқди.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

«Россия темир йўллари»(РТЙ) ОАЖ Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбойжон, Қирғизистон ва Қозоғистондан мева, сабзавот маҳсулотларини музлатгичли составларда олиб келиш нархи 50 фоизга арзонлаштирилганини маълум қилди. Чегирмалар 2006 йил 1 мартдан бошлаб кучга киради, бироқ мавсум апрель-май ойларида авжига чиқиши кутилмоқда, деб ёзади Газета.ру агентлиги. РТЙ матбуот хизмати раҳбари Елена Кулакованинг маълум қилишича, тарифлар бўйича федерал хизмати нархларда Болтиқ мамлакатлари учун ҳам 15 фоизлик чегирма жорий қилган.

Федерал хизматнинг мазкур қарорига биринчилардан бўлиб Ўзбекистон вакилларидан жавоб келди, деб ёзади «Интерфакс» агентлиги. Хабарда айтилишича, бу йил Ўзбекистондан Россия Федерациясига экспорт қилинадиган табиат неъматлари миқдори икки бараварга ортиши кутилмоқда. Умуман, бу йил Россия бозорларидаги мева-сабзавотлар умумий ҳажмидаги Марказий Осиёдан етказилган маҳсулотлар улуши сўнгги 15 йил ичида биринчи марта 10 фоизга етиши мумкин.

РТЙ компаниясининг «Рефсервис» шўъба корхонаси раҳбари Андрей Мигробиннинг интервьюсида айтилишича, Федерал хизматнинг мазкур қароридан сўнг мева ва сабзавотларни Марказий Осиёдан олиб келиш йўналишлари ҳам ўзгаради. «Аввалларга улар поездда биринчи чегара постигача етиб келар, йўлнинг қолган қисми автомобилларда босиб ўтиларди. Энди вазият Марказий осиёлик деҳқонлар фойдасига ўзгариши турган гап» деб изоҳ берди А.Мигробин.

Россия бозорларининг деҳқон ва тадбиркорларимиз учун очилиши мамлакат ички бозорига ҳам таъсир қилиши мумкин. Бироқ мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг ортиши иқтисодиётга катта фойда келтиради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига янги техникаларнинг кириб келиши кутиляпти. Соҳа мутахассисларининг фикрига қараганда, бу йил мева-сабзавот экинлари ерларининг жуда катта қисми хусусий фермер хўжаликларига берилиши ҳисобига ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кескин ортади. Насиб этса, республика ички бозорида ҳеч қандай танглик юзага келмайди.

Б. ҒОФУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАТХ розн бўлди

Фаластиндаги ФАТХ ҳаракати ХАМАС гуруҳи томонидан шакллантирилаётган коалицион ҳукумат таркибига қўшилишга розилик берди. Бу ҳақда ФАТХнинг парламентдаги фракцияси раҳбари Аъзам ал-Аҳмад маълум қилди, деб хабар беради «Франс Пресс» агентлиги. Унинг сўзларига кўра, якуний қарор янги ҳукумат дастури тўлиқ келишилгандан кейин қабул қилинади. Агар ҳукумат дастури ФАТХга тўғри келмаса,

у мухолифат томонига ўтиши мумкин. ФАТХ билан биргаликда Фаластинни озод қилиш миллий фронти ҳам коалицияга қўшилиш истагини билдирди. «Ислом жиҳоди» гуруҳи эса бу таклифни рад этди.

Басаевнинг гумаштаси қўлга тушди

Қозоғистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ходимлари Чеченистондаги Россияга қарши ҳарбий ҳаракатларда фаол қатнашган жангарилардан бирини қўлга олдилар. Бу ҳақда «Интерфакс-Сибирь» агентлиги хабар тарқатди. Россия махсус хизмати вакиллари ҳам бу хабарни тасдиқлаб, ушланган шахс Шомил Басаев ва террорчи Абу-Зейт қўли остидаги асосий жангарилардан бўлганини маълум қилди. Ҳозирча исми маълум қилинмаётган мазкур жангари 2000 йилдан буён йирик жиноий гуруҳга раҳбарлик қилиб келган ва кўплаб террорчилик ҳаракатларини режалаштириш ҳамда ташкиллаштиришда иштироқ этган.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН

«ХАЛҚ БАНКИ»

мижозлар талаб ва таклифларини ҳамда уларни банкнинг ютуқли омонатига бўлган қизиқишларини инобатга олиб, янги «БАҲОР» ютуқли омонат турини таклиф этади.

Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга, камида 10 000 сўм миқдорида «Халқ банки»нинг барча муассасалари орқали қабул қилинади.
Сиз фоиз даромадини олиш билан бир вақтда қўшимча 1 000 000 сўм ва 1 000 000 сўмгача бўлган пул ютуқлари совриндори бўлиш имкониятига эга бўласиз.

«БАҲОР» омонатига аҳоли бўш пул маблағлари жорий йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2006 йилнинг апрель ойида Навоий шаҳрида ўтказилади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДА

БЎШ (ВАКАНТ) КАФЕДРА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА БИТИМ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Фиқҳ иқтисодиёт ва табиий фанлар факультети

Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси доценти лавозимига — *1 ўрин.*
Ғарб тиллари кафедраси ўқитувчиси лавозимига — *4 ўрин.*
Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси доценти лавозимига — *1 ўрин.*
Табиий фанлар кафедраси доценти лавозимига — *1 ўрин.*

Ислом тарихи ва фалсафаси факультети

Шарқ тиллари кафедраси доценти лавозимига — *3 ўрин, катта ўқитувчи лавозимига — 1 ўрин, ўқитувчи лавозимига — 2 ўрин.*
Фалсафа кафедраси ўқитувчиси лавозимига — *1 ўрин.*
Диншунослик-исломшунослик кафедраси доценти лавозимига — *1 ўрин, ўқитувчи лавозимига — 1 ўрин.*

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- *ректор номига ариза;*
- *кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа;*
- *олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхалари;*
- *илмий ишлари рўйхати ва ихтиролар рўйхати.*

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб — 1 ой.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, ТИУ кадрлар бўлими. Телефон: 144-94-66.

ИНВЕСТОРЛАР ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар сизни қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш масаласи қизиқтираётган бўлса, унда сиз бизнинг мутахассисларимизга мурожаат қилиб,

«ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИДА

рўйхатдан ўтган брокерлик идоралари ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин. Шунингдек, фонд бозорининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қоидалар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 136-07-40, 136-14-31, 133-09-83.

«Тошкент» РФБ бошқаруви.

Российский линолеум

Оптовые поставки Versal МКО

Офис: ул. Амира Темура - Эргашева, 1

тел. 134-48-11

факс 134-49-58

Славянские обои

Продажа в розницу

Паркентский рынок

Магазин 113

тел. 185-48-11

Миллий ёшлар портали

Маълумки, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда интернет ва ахборот ресурсларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган. Шу маънода, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан мамлакатимизда биринчи ўзбек тилидаги бир неча интернет сайтлари ва сервисларини ўз ичига олган портал яратилди. 150 мингдан зиёд саҳифа ва 22 та суб-сайтдан иборат ушбу порталда ёшлар учун муҳим маълумотлар Ўзбекистон ва жаҳондаги энг сўнгги янгиликлар, юртимиз тарихи, иқтисодиёти, фан ва маданияти, спорт ва бошқа соҳаларга оид маълумотлар жамланган.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

шунча осонми?

кўмитасининг ҳудудий бошқармаси, вилоят адлия ва солиқ бошқармалари, вилоят ҳокимлиги, статистика бошқармаси мутасаддилари имзолаб, ўз муҳрларини босган «Инвентаризация натижаларининг кўрсатишича, «Вилжамферлойиҳақурилиш» бирлашмасининг 7.263.217 минг сўмлик мулкида (Низом жамғармасида) **Давлат улуши йўқ** (таъкид бизники — таҳр.), у тўлалигича бирлашманинг ва унинг мустақил ташкилотларининг Низом жамғармаси ҳисобланади» деган Далолатнома мавжуд. Шунинг учун ҳам, тендер савдоларини бекор қилиш юзасидан даъво аризалари бўйича хўжалик ва фуқаролик ишлари судларидаги қатор суд мажлислари талабига кўра, вилоят давлат мулки бошқармаси бу ташкилотларнинг мулкида давлат улуши борлиги тўғрисида ҳатто оддий маълумотнома ҳам тақдим эта олмаяпти.

Қонунга биноан, бундай объектлар (агар уларнинг мулкида ростдан ҳам давлат улуши мавжуд бўлса, албатта) тендерга қўйилаётганда ўша корхона жамоаси йиғилишининг, маҳаллий бошқарув органининг қарори, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тақдири, нафақалар масаласи ва корхона тугатилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар тендер комиссиясига тақдим этилиши керак. Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси томонидан ана шу талабларга умуман риоя қилинмаган.

Эътироз: ***Бешинчидан,*** *журналист томонидан корхоналардаги ҳолатни чуқур ва атрофлича ўрганилмаганлиги мақолада нотўғри далилларнинг келтирилишига сабаб бўлган. Жумладан, Олтинкўл туманидаги 101-ХКМС молиявий ва ишлаб чиқариш ҳолатини талаб даражасига кўтариш бўйича тайёрланган бизнес-режага кўра, инвестор томонидан корхонага ускуналар, тракторлар киритилиб, инвестиция мажбуриятлари бажарилаётганини бутунлай тескари равишда ифодалаб, гўёки инвестор корхонани «ўзига шахсий гараж килиб қўйибди» ёки иккинчиси «улгуржи ароқ омборига айлантирган» деган асоссиз таъкидлар билан ҳақиқий ҳолат бузиб кўрсатилган. Амалда эса улгуржи ароқ омборига айлантирилган бино анча илгари вилоят хўжалик судининг қарори билан корхонанинг бюджетдан бўлган қарзларини қоплаш учун умуман бошқа шахсга сотилган.*

Жавоб: Ушбу эътирозни ўрганиш мақсадида биз Олтинкўл туманидаги 101-ХКМСда бўлдик. Уни тендерда ғолиб деб топилган «Деҳқон ҳамроҳи» фермер хўжалиги эгаллаб олган. Унинг раҳбарлари «инвестиция сифатида» ўзларининг фермер хўжалиги машина-тракторларини олиб кириб қўйишибди. Ароқ сақланаётган омборлар олдида кўплаб шиша идишларни ювиётган аёллар ишламоқда. Ҳамроҳимиз, бу даргоҳда иш юритувчи Фахриддин Исмоилов («Деҳқон ҳамроҳи»нинг раҳбари У.Исмоиловнинг амакиси) «Бу ишчилар «Шаробсавдо»га қарашли, бутилка-идишлар эса ароқ заводига топширилади, биз бинони уларга ижарага берганмиз», деди. «Андижоншаробсавдо»нинг раҳбари Б. Ҳакимов эса «Йўқ, уларга биз маош тўлаймиз, бизга қарашли эмас» деб жавоб қилди. Шу маънода, мақолада ишлатилган «ароқ омбори» ва «шахсий гараж» жумлалари ҳам мантиқий, ҳам ҳақиқий жиҳатдан асослидир.

Ташкилот ҳудудидаги 8 та улкан бино, шу жумладан ароқ омборига айлантирилган бино ва АЁҚШни *«умуман бошқа шахс сотиб олгани»* — ёлғон. Уни айнан ўша «Деҳқон ҳамроҳи»нинг раҳбари У.Исмоилов 7 миллион сўмдан ортиқроққа сотиб олган. Иккинчидан, тендер савдоларига қўйилган объектда илгари сотилган бу бинолар чиқариб ташланмаган ва айнан У.Исмоилов ғолиб деб топилган. Учинчидан, тендер ғолиби 101-ХКМСнинг ривожланиши йўлида бирор-бир иш қилди, дейишга асос йўқ.

Буни вилоят хўжалик судининг 2006 йил 26 январдаги ҳал қилув қарори қонуний тасдиқлайди. Унга кўра, вилоят тендер комиссиясининг 2004 йил 28 июндаги қарорининг Олтинкўлдаги 101-ХМКС МЧЖга тааллуқли қисми бекор қилинди. Бунга **тендер савдолари ўтказишда йўл қўйилган қатор қонунбузарликлар** асос қилиб кўрсатилган... Ва суднинг бу қарорида бирор сўм ҳам инвесторга қайтарилиши лозимлиги ҳақида гап йўқ, чунки эътироз ҳатида ва У.Исмоилов номидан таҳририятга йўлланган бошқа эътирозномада ҳам даъво қилинаётган 190 миллион сўмлик инвестициянинг ўзи йўқ. «Деҳқон ҳамроҳи»нинг 101-ХКМС ҳовлисига киритиб қўйилган техникаси нархини «инвестиция» деб даъво қилиш — таажжубланарли ҳол.

Эътироз: ***Олтинчидан,*** *мақолада келтирилган Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси ҳисобига ўтказилган 40 миллион сўми ҳақидаги фикрлар ҳам ҳақиқий ҳолатга асосланмаган.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 февралдаги 10-1-47-сонли топшириғи, Давлат мулки қўмитасининг 2001 йил 9 мартдаги 6-ДСП-сонли, 19 апрелдаги 81к-ПО-сонли буйруқлари ва Андижон вилоят ҳокимининг 2001 йил 2 мартдаги 18-Ф-сонли фармойиши билан собиқ «Ўзжамоақурилиш» уюшмаси тизимига кирган вилоятдаги 19 та қурилиш корхонасининг хусусийлаштирилиши белгиланган (илова қилинади). Уларнинг 13 тасини очиқ акциядорлик ва 6 тасини масъулияти чекланган жамиятига айлантириш бўйича Давлат мулки қўмитасининг тегишли буйруқлари қабул қилинган ва шакллантирилаётган жамиятлар устав фондларининг 10 фоиз миқдоридаги улушлари корхона меҳнат жамоасига сотиб олиш учун қолдирилган, 90 фоизи эса сармоядорларга сотилиши белгиланган (илова қилинади). Мақолада келтирилган иккита корхонанинг меҳнат жамоаси томонидан ўз улушлари учун 40 млн. сўм тўланган.

Мазкур корхоналарнинг устав фондлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли Фармони талабларига жавоб бермаганлиги туфайли навбатдан ташқари умумий йиғилишлар ўтказилиб, ташкилий-ҳуқуқий шаклларини акциядорлик жамиятидан масъулияти чекланган жамиятларига айлантириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган. Шунга мос равишда Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармасининг буйруқлари қабул қилинган ва уларга мувофиқ, меҳнат жамоасининг улушлари учун пул тўловлари 10 фоиз даражасида амалга оширилганлиги эътиборга олиниб, улар меҳнат жамоасининг улушлари сифатида белгиланган. Аммо Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармасининг ҳар иккала ҳолат, яъни акциядорлик жамиятига айлантириш ҳамда МЧЖга айлантириш бўйича буйруқлари корхона раҳбарларининг айби билан бажарилмаган. Ваҳоланки, бу қарорлар талаб даражасида бажарилганда эди, мулк эгалари тўғрисидаги масала ўз-ўзидан ҳал бўлган бўларди.

Жавоб: Олий хўжалик судининг 2006 йил 30 январдаги қарорига кўра, Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармасига илгари ўтказилган 40 миллион сўмнинг 20 миллион сўми «Бинокор» уюшмасига қайтарилди, қолган 20 миллион сўмга унинг эгалари бўлмиш 2 та МЧЖ алоҳида даъво киритиши лозимлиги таъкидланган... ДМҚ бошқармаси мана шу 40 миллион сўмни «давлат улуши» деб даъво қилиб турган эди, бу ҳам асл эгасига қайтарилди... 40 миллион сўм ҳақидаги *ҳақиқий ҳолат* шундай. Энди Олий хўжалик судининг қароридан ошириб бир нима дейиш... ўринли бўлмаса керак?

Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармасининг мазкур ташкилотларни акциядорлик жамиятига ва МЧЖга айлантириш тўғрисидаги буйруқлари, эътирозда айтилганидек, корхона раҳбарларининг эмас, балки ДМҚ вилоят бошқармасининг айби билан бажарилмаган. Ахир буйруқ чиқарилгандан кейин уни йиллаб унутиб юбормасдан, ижросини ҳам назорат қилиш керакда. Қолаверса, тендергача бу ташкилотларнинг кўпи туман ҳокимликлари ҳузуридаги инспекциялар орқали МЧЖга айлантирилиб, ҳатто ордерлар олинган эди...

Эътироз: ***Еттинчидан,*** *таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарорига биноан, мулклар «ноль» қийматида инвесторга белгиланган миқдордаги инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисида комиссия қарор қабул қилгунча фақат фойдаланиш учун берилади. Корхонанинг моддий-иқтисодий мустақилликка олиб чиқилганлиги ҳамда қўшимча иш ўринларининг ташкил этилганлиги инвестиция мажбуриятлари бажарилишини ифодаловчи асосий мезон ҳисобланади. Лекин сохта «мулк эгалари» томонидан кўтарилаётган масалага умуман дахли бўлмаган инвесторлар корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш мақсадида керакли инвестиция маблағларини кирита олмаяптилар. Бу ҳол корхоналарда мавжуд имкониятларни кенгайтириш, аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида белгиланган ишларнинг амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.*

Жавоб: *Инвесторларнинг бемалол кириб ишлай олмаётгани*га асосий сабаб — тендерларнинг ноқонуний ўтганлиги натижасида инвесторларга мулклар ҳужжат асосида ҳалигача топширилмаганлиги, қурилиш ташкилотларининг мулкини тендерга қўйишда йўл қўйилган кўпол хатолардир. Бунинг натижасида, эътирозда айтилганидек, нафақат *янги иш ўринлари яратилмаяпти,* балки «Бинокор» уюшмаси таркибида биноийдек ишлаб турган ташкилотлардаги *бор иш ўринлари* ҳам йўқолмоқда.

Эътироз: *Шу билан бирга, 2006 йил 14 январда Андижон вилояти ҳудудий танлов комиссияси раиси — вилоят ҳокими С.Бегалиевнинг Давлат мулки қўмитасига ёзган 06/59-36-сонли хатида мазкур мақола юзасидан жиддий эътироз билдирилиб, раддия берилишига амалий ёрдам сўралган (илова қилинади).*

Жавоб: Вилоят тендер комиссиясининг раиси ва вилоят раҳбари сифатида муҳтарам С.Бегалиев раддия бериш учун бевосита газета таҳририятига эмас, балки Давлат мулки қўмитасига ёрдам сўраб мурожаат қилгани биз учун таажжубланарли. Аммо, начора, кимга қандай масалада мурожаат қилиш ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқи... Яна бир гап, инвесторларнинг айримлари собиқ ва ҳозирги вилоят миқёсидаги раҳбарларга олис-яқин қариндошлик ришталари билан боғлиқ одамлар экани ҳам бор гап. Албатта, улар бунинг учун тендерда қатнашиши мумкин эмасди, деган қонун йўғ-у, ҳар ҳолда, ишлаб турган МЧЖларнинг турли йўллар билан кимларгадир бепул беришга маҳкум этилиши эл орасида турли гап-сўзларга сабаб бўлади-да. Бунинг устига, Избоскандаги иқтисодий бақувват 119-ХКМСни «ютиб олган» инвестор И.Маҳсумов бир неча йил аввал Андижон туманидаги 105-қурилиш ташкилотини хусусийлаштириб олган эди, ҳозир ундан ном-нишон йўқ...

Эътироз: *Албатта, мазкур масала юзасидан олиб борилган ишлар, хусусан, хўжалик судларидаги жараёнлар тўғрисида кенгроқ тўхталишимиз ҳам мумкин. Аммо суд жараёнлари давом этаётган бир пайтда оммавий ахборот воситаларида бир томонлама фикр билдиришдан йироқмиз.*

Ҳурматли мақола муаллифини ҳам шунга чақирамиз, чунки ҳозирги ҳолатда Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасига асосан «таҳририят ходими муайян воқеа ёки ҳолатга нисбатан шахсий фикрини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга, агар воқеа ёки ҳолат юзасидан тергов тугамаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнгина журналистик тахминларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир».

Шунингдек, журналист Ўзбекистон Республикаси «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси, «Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-15-моддаларига риоя қилганида масаланинг объектив ёритилиши таъминланган бўлар эди.

«Халқ сўзи» газетаси республика иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар, муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов томонидан белгилаб берилаётган вазифаларни талаб даражасида бажарилишининг бориши ҳамда бу ишларда жонбозлик кўрсатаётган ҳамюртларимиз шижоатини ёритиб бериш билан бир қаторда фуқароларимиз учун обрўли минбарга айланган.

Ўйлаймизки, юқорида баён этилган аниқ далил ва ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, таҳририят бизга бу борада ўзининг холис муносабатини билдиради.

Жавоб: Журналист суд ҳукми ёки ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин «муайян ишлар бўйича ўзининг шахсий мулоҳазаларини эълон қилиши мумкин», деган талаблар бор ва мақолада бу талаблар бузилган эмас. Айни пайтда, баъзи фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судловлар 5-10 йилгача чўзилади ва «ушбу давр ичида мақола ёзиш мумкин эмас» деган қонун йўқ.

Шу ўринда тендер, хусусийлаштириш ва «Кимошди» савдосида арзон-гароврга сотилиб, бузиб олиб кетилаётган корхоналар кўз олдимизга келди. Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманидаги «Ойим» паррандачилик фабрикасида яқинда 500 нафар атрофида одам ишларди. Унинг 80 фоизга яқин акциясини (тахминан 60-70 миллион сўмлик) сотиб олган уч нафар акциядор ҳар ойда ўнлаб тонна парҳез гўшти ва юз минглаб дона тухум етиштириб бераётган бу фабриканинг 51 гектар майдондаги биноларини бузиб, унинг ичидаги қимматбаҳо ускуна ва технологияларни қурилиш материалларига қўшиб Тошкентга олиб кетишибди. Ҳатто 30-40 йиллик юзлаб дарахтлар ҳам йўқ. Бор-йўғи ўтган йилги воқеа бу. Вилоят ҳокимлиги бу бедодликни нега шунчаки томошабин бўлиб кузатиб турди?

Қизиғи, бу собиқ давлат корхонаси ҳатто хусусийлаштириб сотилмаган ҳам, инвесторга берилмаган ҳам, акциядорлар шунчаки бузиб олиб кетишган(?!). Ваҳоланки, айтишларича, унинг мулки нархи бир неча миллиард сўмни ташкил қилар эди. 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида айтилганидек, Давлат мулки қўмитаси майда-чуйда ташкилотларни хусусийлаштириш билан андармон бўлиб қолмасдан, юқоридаги каби йирик корхоналарнинг тақдири билан қизиқса, давлат ва эл-юрт манфаатлари учун фойдалироқ бўлар эди.

Ўйлаймизки, юқоридаги аниқ далил ва ҳолатлардан келиб чиққан фикрларни холис муносабат сифатида қабул қиласиз.

ТАҲРИРИЯТ.

ТИЛИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Республика Байналминал маданият маркази ҳамда «ЮНЕСКО» ишлари бўйича Миллий комиссия ҳамкорлигида «Халқаро она тили» кунига бағишланган тадбир уюштирилди.

«Маънавият ва маърифат» маркази ҳомийлигида ташкил этилган ушбу тадбирни маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев олиб борди. Тадбирда Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Сухроб Ҳоссейн жаноблари, республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, ЮНЕСКО ишлари бўйича масъул котиб Алишер Икромовлар сўзга чиқиб она тилининг аҳамияти, уни ривожлантириш масалалари ҳақида гапирдилар.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ҳамда ҳаваскор шоирлар она тилимизни мадҳ этувчи шеърларидан ўқиб беришди.

Нодира ОРИФХЎЖАЕВА,
талаба.

Спорт

Артурнинг навбатдаги олтини

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича катталар терма жамоамиз Украина ва АҚШда якунланган "А" тоифасига кирувчи нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этди.

Украинадаги турнирда эркин курашчиларимиз — Олимпиада чемпиони Артур Таймазов ва Сослан Тигиев ўз вазн тоифаларида олтин медаль совриндорлари бўлишди. Дамир Захардинов эса юртимизга бронза медали билан қайтди.

АҚШда юнон-рум кураши бўйича ўтказилган мусобақада эса жаҳон чемпиони Дилшод Орипов ва Денис Здориков ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Олимпиада чемпиони Александр Доктурашивили бронза медали билан кифояланди.

От ўйнатиб, фил суриб

Тошкентда шахмат бўйича олий лига ўйинлари қизғин давом этаяпти.

Ҳозирча аёллар ўртасидаги баҳсларда самарқандлик Ирода ва Шаҳноза Ҳамроқуловалар пешқадамлик қилишмоқда. Жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова, фарғоналик Нафиса Мўминова, қашқадарёлик Нодира Нодиржонова ва тошкентлик Ольга Собировалар биттадан ўйинда ғалаба қозонишди.

Германияликлар пешқадам

Яна икки кундан сўнг спорт оламидаги энг нуфузли мусобақалардан саналган XX қишки Олимпиада ўйинлари ниҳоясига етади. Фигурали учиш бўйича яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Анастасия Гимазетдинова муваффақиятли иштирок эта олмади. Тоғ чанғичимиз Қайрат Эрматов эртага мусобақаларга киришади.

Қишки Олимпиада дастуридаги энг қизиқарли ўйинлардан бири — хоккей бўйича ярим финал иштирокчилари номи маълум бўлди. Чорак финалда қуйидаги натижалар қайд этилди: Швеция — Швейцария 6:2, Финляндия — АҚШ 4:3, Россия — Канада 2:0, Чехия — Словакия 3:1.

Жамоавий баҳсларда ҳозирча германиялик спортчилар тўққизта олтин, саккизта кумуш ва бешта бронза медали билан пешқадамлик қилишмоқда. Иккинчи ўринда бораётган австрияликлар ҳисобида саккизта олтин, олтита кумуш, бешта бронза медали бор. АҚШ терма жамоаси еттита олтин, еттита кумуш, тўртта бронза медали билан учинчи ўринни банд этган. Еттита олтин, учта кумуш, олтита бронза медалига эгалик қилаётган Россия жамоаси тўртинчи ўриндан жой олган. Канада, Швейцария, Корея, Швеция мамлакатлари спортчилари кучли саккизликни тўлдириб туришибди.



«Пахтакор»нинг муваффақиятли юриши

Италияда ўтаётган футбол бўйича анъанавий "Коппа Карневале" халқаро турнирида "Пахтакор" жамоасининг ёш таркиби ғалаба қозонишда давом этмоқда. Ҳамюртларимиз гуруҳ баҳсларидаги уч учрашувда бир хил — 1:0 ҳисобида зафар қучди. Пойтахтлик футболчилар чорак финалда Италиянинг "Сиена" жамоасига қарши майдонга тушади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Боқий қадрият

Одамлар орасида "Лафзи ҳалол!", "Ишончли дўст", "Ишончли шерик" каби тушунчалар бор, улар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ишончли, сўзида собит инсонга ҳар доим эҳтиром кўрсатилган. Миллатимиз фахри — соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз замонасида давлатни мустаҳкамлаш ва халқ турмуш тарзини яхшилашга ҳисса қўшиш билан бир вақтда чин инсоний фазилатларни беҳад улуғлаган. Чунончи, бобомиз Амир Темурнинг "Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир" деган ҳикматли сўзлари ҳозир ҳам долзарб янграйди.

ИШОНЧ

Мамлакатимизнинг эркин рақобатга асосланган иқтисодиёти ўсишида тадбиркорлик субъектларининг ўрни муҳимдир. Зеро, тан олиб айтиш керакки, яқин вақтларгача тадбиркорларимизга ишончсизлик билан қараш устувор эди. Буларнинг акси ўлароқ, сўнгги пайтларда ишбилармонлик билан шуғулланаётган ташкилотларнинг бир-бирларига ўзаро ишонч тамойиллари барқарорлашмоқда.

Бу масала кунчиқар мамлакат — Японияда қандай йўлга қўйилгани ҳақида бир мисол. Мамлакатимиз етакчи агросаноат ходимларидан бир гуруҳи паррандачиликка ихтисослашган йирик бир компания тажрибасини ўрганишади. Меҳмонлар компаниянинг барча сирсиноатлари, ишлаб чиқариш технологияларини синчковлик билан кузатадилар. Маҳсулдорлик юқори, таннарх арзон. Барча тўйимли моддалар билан бойитилган емиш етарли. Шу паллада ўзбекистонлик мутахассислар "Озуқа сақланадиган заҳира омборини кўрсак бўладими?" деб сўраб қолишди. Компания раҳбари — "Менда ҳеч қанақа заҳира омбори йўқ, биздан 20-25 чақирим узоқликда яшовчи Хисо Такада деган дўстим билан келишиб олганман, унга мен паррандаларни узлуксиз емиш билан таъминлашни таклиф қилдим, у розилик билдирди ва бир маромда озуқа етказиб туради", деб жавоб қилди.

Қизиқ, фараз қилайлик, Хисо Такада ёки унинг оила аъзолари, хотини, ё бўлмаса, болаларининг бирон-бир юмуши чиқибми ёки тоби қочибми, хуллас, қандайдир сабаб билан товуқларга ўз вақтида озуқа етказилмай қолса, нима бўлади?. Ахир, шундай донғи кетган компания нуфузи, обрўси биргина ўша Хисо Такаданинг масъулиятсизлиги оқибатида инқирозга юз тутиши мумкинку?

Ажойиб тартибдан ҳайратга тушган вакилларимиз "Ҳа, демак, сиз билан дўстингиз ўртасида кучли, қатъий санкциялар асосида шартнома тузилган экан-да?" деб сўрашибди. Шунда компания раҳбари "Йўқ, мен бу ишни унга таклиф этдим, у розилик билдирди", — дебди.

Маълум бўлишича, компания раҳбари билан Хисо Такада ўртасида ҳеч бир ёзма шартнома ёки ишончнома ҳужжатлаштирилмаган. Ўртадаги муносабат ўзаро самимий ишонч асосига қурилган. Хисо Такада компания раҳбарининг чинакам ишончига сазовор бўлганлиги туфайли компания бу шерикка ишонган, уни ва оиласини иш билан таъминлаган.

Бугун юртимиз шаҳар ва туманларига назар ташласак, қайси вилоят ёки ҳудуд раҳбари чет эллар билан ишончли алоқа боғлаб, сармоядорларни олиб келса, улар билан алоқа ўрнатса, иш яхши ташкил этилса, ўша жойда ўзгариш ва янгиланиш бўлаётганини кўриш мумкин.

Сўнгги пайтларда Президентимиз Фармон ва қарорлари асосан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, хўжалик субъектларига қаратилмоқда. Уларнинг кўпроқ, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришлари учун шарт-шароит яратилишига эришилмоқда. Ахир, сифатли маҳсулот доим харидоргир бўлиб, унинг бозори чаққон бўлади. Бундан ташқари, маҳсулот сифатли бўлса, тадбиркорларимиз уни бемалол, ишонч билан чет давлатларга экспорт қила олишади. Бугун талаб шундай: тадбиркор бутун вужуди ва диққатини маҳсулотининг фақат сифатли бўлишига қаратсин. Натижада халқ хўжалиги сифатли маҳсулот билан таъминланиб, ўша тадбиркор ишлаб чиқарган буюмга нисбатан ишонч ортади.

Баъзан биз, ўзимиз бефарқ ва беэътиборроқ бўлаяпмиз. Мисол учун, яшаб турган ҳовлимиз ёнидаги қўшнимиз ўзини "тадбиркор" деб ҳисоблаб, сифатсиз қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқараётганини, баъзи ҳолатларда эса кўп қаватли бинолар ертўлаларида истеъмолга яроқсиз сут ёки гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқараётган кишиларни биламиз. Бу маҳсулотлар оддий озодагарчилик талабларига зинҳор жавоб бермаслиги, соғлиққа зарари, ҳатто сертификатланмаганлигини ҳам яхши биламиз. Кўриб-билиб туриб, индамаймиз. Ахир шу каби сифатсиз маҳсулотни оиламиз ёки ёнимиздаги бошқа бировлар истеъмол қиладилар-ку!

Ёки яна бошқа бир ҳолат. Бозорларимизда сифатсиз маҳсулот сотилаётган бўлса, сотувчидан унинг нима учун бундайлигини сўраб-суриштириш у ёқда турсин, ҳатто "менга нима, мен олмаяпман-ку" қабилида эътиборсиз ҳам бўламиз.

Хуллас, бугунги кунда ҳар бир тадбиркор ёки ишбилармон давлатимиз, халқимизнинг ўзларига билдирган юксак ишончларини қалбларига жо қилганлари ҳолда, "Қандай қилсам, Ватаним, халқим ишончини оқлайман?!" деган саволни дилларига тугиб, сидқидилдан меҳнат қилсалар, уларга эл-юрт ишончи ҳам, шак-шубҳасиз, тобора ортиб бораверади.

Вафо ЛАТИПОВ,
техника фанлари номзоди.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Жорий йилнинг 14-18 март кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳрида ташкил этилаётган «WIN-WORLD Industry Fuary — 2006» кўргазмасида иштирок этиш учун таклиф этамиз.

Шу билан бирга, у ерда Ўзбекистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Эрон, Миср, Исроил, Иордания, Сурия, Болгария, Македония, Греция, Албания, Руминия, Германия, Туркия давлатлари тадбиркорлари иштирокида «Савдо кенгаши» дастури ўтказилиши кўзда тутилган.

Ушбу кўргазмада иштирок этиш ва қўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси «TEXNOEKSIMINVEST» унитар корхонасига жорий йилнинг 27 февралигача мурожаат этиш мумкин.

Тел.: 132-09-01, 133-78-42.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ» республика Фонд биржаси

қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини янада фаоллаштириш, кенг рақобат муҳитини шакллантириш ва бозорнинг ошкоралик салоҳиятини юксалтириш мақсадида брокерлик ўрнининг нархини имтиёзли равишда 50000 сўм ҳажмида белгилаш ҳақида қарор қабул қилди.

Имтиёзли нарх 2006 йилнинг 1 июлига қадар амал қилади.

Брокерлик ўринларини «Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом» талабларига жавоб берувчи юридик шахслар сотиб олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 136-07-40, 136-14-31.

«Тошкент» РФБ бошқаруви.

S&V UZBEK TURKISH JOINT VENTURE

буюртмага асосан ПЎЛАТ КОНСТРУКЦИЯЛИ ВА МОДУЛЬ ТИЗИМЛИ ЙИҒМА БИНОЛАРНИ ЕТКАЗИБ, ҚУРИБ БЕРАДИ

Саноат бинолари
Фабрикалар
Жамоат бинолари
Ҳарбий иншоотлар
Омборлар
Устахоналар
Музлатгич билан жиҳозланган хоналар
Қароргоҳлар
Офислар
Виллалар (дала ҳовлилари)
Савдо марказлари
Кўргазма заллари
Спорт заллари
Ётоқхоналар
Ошхоналар
Мактаблар
Гимназиялар
Кутубхоналар
Касалхоналар
Поликлиникалар
Кир ювиш хоналари
Гаражлар
Контейнерлар



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Муртазоев кўчаси, 6/66.
Телефонлар: 134-72-05, 134-72-07, 134-72-09. Факс: 134-17-76.
E-mail: sv-jointventure@yahoo.com

S&V UZBEK TURKISH JOINT VENTURE

Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» қўмитаси Техник кенгашининг 2005 йил 11 декабрдаги қарорига асосан бинолар қурилишида йиғма ва қурилиш конструкциялари қўлланишига рухсат берилган.

UZBEKISTAN DEVELOPMENT GATEWAY

БАРЧА ВАЗИРЛИКЛАР, КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Uzbekistan Development Gateway лойиҳаси тендер эълонларини **www.dgmarket.uz** он-лайн миллий тендер майдончасида жойлаштиришни таклиф этади.

Ушбу тендер майдончаси:
- харидорларга Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардан товар етказиб берувчиларни жалб қилиш, матбуотда эълонни чоп этишга кетадиган вақт ва маблағларни тежаш;
- товар етказиб берувчиларга эса 165 та мамлакатда ўтказиладиган тендерларда очиқ ва тенг ҳуқуқли қатнашиш;
- умуман олганда, Ўзбекистонда рақобатчилик кўрсаткичларини кўтариш имкониятларини яратиб беради.

Кўшимча ахборот олиш мақсадида www.dgmarket.uz га мурожаат этинг ёки қуйидаги телефонга қўнғироқ қилинг:
(+998 71) 150-02-02.
Факс: 151-25-48.
e-mail: dgmarket@cer.uz

Ушбу лойиҳа ССП, БМТРД, ИТМ кўмагида амалга оширилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси бош ҳисобчи Умида Раҳимовага отаси

Абдураимҳожи ота РАҲИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Билим ва тараққиёт» маркази жамоаси ва тренерлари ушбу марказ координатори

Баҳодир Турдиалиевич ТУРДИАЛИЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Г -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23456